


ҚАРДОШ ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИ-1

ҲАСАНБОЙ ҒОЙИБ

Дийдор соғинчи

ТОЖИК ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР



Душанбе
«Промэкспо»
2017

ББК 84 тожик 7-4
F-72

Мазкур китоб адабиёт ихлосманди Абдулхайр Курбонович Абдуллоевнинг ёрдами билан чоп этилди. Муаллиф кўп сонли мухлислар номидан Абдулхайр Курбоновичга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Мухаррир
Абдуҳафиз Мирзааҳмедов

Ҳасанбой Ғойиб.

Дийдор соғинчи. Тожик шеърятидан намуналар.
– Душанбе: «Промэкспо», 2017. - 72 бет.

Муаллифлик ҳуқуқи Тоҷикистон Ҷумҳурият қонунлари ва халқаро нормалар билан ҳимояланади.

ISBN 978-99975-955-0-8

© Ҳасанбой Ғойиб, 2017.

**ЎЛМАС ЖАМОЛ,
“Дўстлик” ордени соҳиби,
Тожикистон ёзувчилар Иттифоқининг
ўзбек бўлими мудури**

**“ШИНГИЛ САТРАЛАР”дан
“ДИЙДОР СОҒИНЧИ”гача**

Мен Ҳасанбой Ғойибнинг илк ижод намуналари билан танишганимга чорак асрдан ошди. Ўшанда яхши бир қалам соҳиби етишиб келаётганидан хурсанд бўлган эдим. Шу йиллар давомида Ҳасанбой серқирра ижодкор сифатида шаклланди, қалами ўткирлашди. Бугунги кунда шоир поэзиянинг турли жанрларида шеърлар яратмоқда. Унинг «Ватан обод», «Тасанно» каби мардоновор руҳдаги кўшиқлари, “Муножот”, “Саловат”, “Онажон”, “Қисмат”, “Муҳаббат” сингари илоҳий ва инсоний муҳаббатни васф этувчи лирик шеърлари Тожикистонлик ва Ўзбекистонлик хофизлар томонидан куйланиб келаётганлиги ҳам унинг ижоди элимиз юрагидан жой олганлигини билдиради.

Ҳасанбой замонавий шеърлар ёзиш билан бирга рус ва тожик шоирларининг шеърларини таржима қилиб келмоқда. Бу ҳам бўлса унинг изланувчан ва интилувчанлигидан далолатдир. Дунё халқлари дўстлигини мустаҳкамлашда ижодкорларнинг алоҳида ўрни бор.

Бир неча йиллар аввал Ҳасанбой 19-20асрларда Ҳисор водийсида яшаб ўтган Муҳаммад Юсуф Маюсий, Сўфий Ҳисорий, Олимжон Ҳасрат, Ғамгин, Парий, Жазбий каби шоирлар шеърларини ўзбек тилига ўгириб китоб шаклида чоп қилди. Ушбу шоирлар шеърлари илк маротаба ўзбек тилига ўгирилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбек адабиётининг сара асарларини тожик тилига, тожик адабиётининг гўзал намуналарини ўзбек тилига

таржима қилиш икки халқ адиблари учун анъанага айланган. Устозим Аширмат Назаров ҳам тожик шоирларининг шеърларини таржима қилиб «Шингил сатрлар» номи билан китоб шаклида чоп этган эди. Тожикистон халқ шоири Сайидали Маъмур ўзбекнинг катта шоири, менинг дўстим Абдулла Орифнинг шеърларини тожик тилига ўгириб «Ихлос» номи билан чоп этган эди. Мен ҳам тожик адабиётининг йирик вакиллари Мирзо Турсунзода, Боқи Раҳимзода, Мўъмин Қаноат, Ақар Ҳаким, Лоиқ Шерали, Меҳмон Бахтий, Саидали Маъмур ва бошқа бир қатор шоирларнинг шеърларини таржима қилганман. Шунинг учун таржимонлик машаққатини ҳис этаман.

Менинг назаримда ўз услубига, ўз вазнига эга шоирларни таржима этган маъқул. Шундагина таржимон шоир шеърятининг нозик сирларидан, бадий маҳоратидан баҳраманд бўлади, таржима ҳам ўқимишли чиқади.

Менга Ҳасанбойнинг устоз Мирзо Турсунзода, Лоиқ, Гулрухсор, Гулназар Келди, Меҳмон Бахтий, Сайидали Маъмур ва Раҳмат Назрий каби шоирлар ижодидан қилган таржималари ёқди. Номлари зикр этилган шоирлар шеърятда ўз мактабига эга бўлган шоирлардир. Юқорида мен анъанавийлик ҳақида эслатган эдим. Фикримни давом эттириб айтмоқчи бўлганим, тожик адабиётини ўқиб ўрганиш, тарғибу ташвиқ этиш Тожикистонда яшаётган ҳар бир адиб учун ҳам қарзу ҳам фарз бўлган амалдир. Мен шогирдим Ҳасанбой Ғойибга ушбу йўлдаги ижодий ишларида улкан муваффақиятлар ва бардавонлик тилайман.

10.12.2016 йил,
Душанбе шаҳри.



*Муҳаммадюсуф Маюсий
(1871-1967)*

МАҲБУБИМСАН, Ё АЛЛОҲ!

Йўқликдан пайдо қилган,
Иймонни ато қилган,
Ишқида гадо қилган,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

Эдим бир хамиртуруш,
Ато эттинг ақлу ҳуш,
Дединг «Оби такво нӯш»,
Матлубимсан, ё Аллоҳ!

Аслим эди обу гил,
Бердинг кулоқ, кӯз ҳам дил,
Қошингда мен кўп хижил,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

Айладинг Қуръон ато,
Ул Аҳмади Мустафо,
Бўлди бизга раҳнамо
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

Юбориб Жаброилни
Айирдинг ҳақ, ботилни.
Поклагувчу кўнгилни
Каломимсан, ё Аллоҳ!



Қуръон билан айтиб роз,
Этдинг бизни сарафроз.
Шодлигимиз қил дароз!¹,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

Эй Раҳиму эй Раҳмон,
Эй Худованди Қуръон,
Эй Раҳнамои инсон
Матлубимсан, ё Аллоҳ!

Еру кўкни яратган,
Қуёшдан нур таратган,
Бизларни азиз этган,
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!

Субҳонимсан эй, Раҳмон,
Қилдинг бизни мусулмон,
Зикринг тилимда ҳар он,
Матлубимсан, ё Аллоҳ!

Субҳонимсан эй Раҳим,
Ўзинг танҳо илоҳим.
Сенсан ёлғиз паноҳим,
Маҳбубимсан ё Аллоҳ!

1. Дароз - тожикчадан узайтир маъносида.

Сӯфий Ҳисорӣ
(1878-1921)

Биз ҳама ёрдин ёмон эрдик ва лекин билмадик,
Барчадан шарманда жон эрдик ва лекин билмадик.
Бу не ҳолким не амал бор, не фаросат, не тамиз
Бадгарин аҳли жаҳон эрдик ва лекин билмадик.
Зикна феълимиз билан хеш таборни ранжитиб
Яхши сӯзга безабон эрдик ва лекин билмадик,
Нафсни билмасдан туриб, сӯфиликдан лоф уриб
Хулқи ҳайвондан ёмон эрдик ва лекин билмадик.
Гарчи бизнинг айбимиздан ҳеч кимса воқиф эмас,
Панд эшитмас, гӯр инсон эрдик ва лекин билмадик.
Сӯфий паришонлик билан сӯйлади дил дардини,
Юргда сарсону сомон эрдик ва лекин билмадик.



*Парий (Мулло Ражаб)
(1804-1854)*

Нечун гулга дил берай, гуландомим бўлмаса,
Мастликдан ханда қилай, маю жомим бўлмаса?
Не учун бошим урай кимса очмас эшикка,
Остонадан кирмасман дилоромим бўлмаса.
Соқиси йўқ кўзага не учун майл қўйгум,
Майхонани нетарман, гар жононим бўлмаса?
Бошимга тупроқ сочиб, қон йиғламоқ не керак,
Хаста жонимга роҳат ва оромим бўлмаса?
Шавқу завқ орзу айлаб, алданмоққа на ҳожат,
Дилга таскин бергувчи хуш пайғомим бўлмаса?
Шом аро суҳбат бирла базми жамшед не керак,
Шаму парвона каби зеби шомим бўлмаса?
Мен нега ханда қилиб, не учун хурсанд бўлай,
Кулфату ғамдан ҳоли лаҳза, оним бўлмаса?
Хаста кўнглим бодасин талх айламай энди нетай,
Эй Пари, шаккар лабидан етгувчи болим бўлмаса?



Шариф Ҳисорий
(19-аср)

Эй дил, ишқда куймасанг, куйлашингдан не фойда?
Ўзингни аҳли дард деб ўйлашингдан не фойда?
Дилинг ичра худодан кўрқувдан ҳам асар йўк,
Тун- кун номоз ўқи деб сўйлашингдан не фойда?
Экинга нима наф бор, бевақт ёққан ёмғирдан,
Ўлим келган чоғи «хай-хай»лашингдан не фойда?
Дунё фиғон, зорликнинг мақомидир, эй рафиқ,
Ҳашр куни зор йиғлаб «вой»лашингдан не фойда?
Дедим: Тангрим, Шарифни кулликка қабул айла,
Деди: энди кулман деб сайрашингдан не фойда?





Ғамгин
(Мулло Муҳаммадшариф)
(19-20-аср)

Бу кеча ғамга ботиб, куйдим интизорликдан,
Бераҳм гулузор-ла рўй берган жудоликдан.
Аввалига дилдорим мени мафтун айлади,
Оқибатда сел бўлди ашким шашқаторликдан.
Умидсизлик домида эс-хушимни йўқотдим,
Бошдан то оёқ куйдим ишқида адоликдан.
Ўшал маҳвашни ўйлаб, мудом юрарман ғамгин,
Ғамгусорим йўқ менинг танҳо шу ғарибликдан





Мирзо Олимжон Ҳасрат
(19-20-асрлар)

Сенсиз гулни гулшанда хор билурмиз,
Зикрингсиз тасбеҳни зуннор билурмиз.
Кимки неъматингга шуқр қилмаса
Оёқдан бош қадар девор билурмиз.
Зоҳидо, сўйлама ишқу вафодан,
Суратинг шунчаки инкор билурмиз.
Заҳрин сочар бўлса йўқдир омонлиғ,
Номардни ҳамиша мор билурмиз.
Фалакдан дили доғ бу Ҳасратийнинг,
Фалакни дил каби афгор билурмиз.



Банда
(Домулло Имомиддин)
(19-20-аср)

Кетгил зоҳид, икки олам ичра айш-ки бор мендан,
Май мендан, кўза мендан, маҳфили васли ёр мендан.
Кўзларимдан оққан ёшга тўлиб дашту биёбонлар
Дажла дарёсидек оқди, йиғлашга ихтиёр мендан.
Пойингдан бир бўса олмоқ менинг олий орзуимдир,
Йўлга тушдим мен мастона бош оғриғи - хумор мендан.
Жафо сендан, ситам сендан, ғам сендан, юз алам сендан,
Дуо мендан, вафо мендан, интиқлик, эътибор мендан.
Сендандир давру давронлар, сендандир шуҳрату шонлар,
Дардкашлигу ғамгусорлик, дийдаи интизор мендан.
Ўтди умри Банданинг гоҳ Табрес, гоҳ Нишопурда,
Ироқ мендан, Рум мендан, Яман мендан, Бухор мендан.¹

1. фируз бўлиб-хушбахтлик билан.



Мирзо Турсунзода.
(1911-1977)

Шоиро, топсанг ёнишдан гар хабар,
Айлама ёнган оташдан сўнг ҳазар.
Ёнмоқликдан яралгуси оҳан ҳам,
Бир учқундан таралгуси гулхан ҳам.
Пурҳарорат бўлмаса гар офтоб,
Дунё бўлар эрди совуқдан хароб.
Беҳарорат бўлса ул тош, дил эмас,
Дил очар ва пурсафо манзил эмас.
Беҳарорат ҳеч не ўсиб унмагай,
Мисли гул яшнаб, очилиб турмагай.
Беҳарорат лабда кулгу бўлмагай,
Маъшаладек юзда ханда урмагай.
Шоиро, бўлма ёнишдан сен малол,
Бул азобни дўст тутгайдир висол.
Ёнмасанг бунёд этиш мушкил бўлур,
Ёрга ҳам кўнгил тутиш мушкил бўлур.
Шеър жўш урмоғи шарт фавворадай,
Қалб кўрида мисли оташпорадай.
Бош уриб дилдан туташгай дил томон,
Юмшатиб тош дилни айлар меҳрибон.
Ёр билгай куймагу ёнмоқ надир,
Ҳам вафо дарсини ўрганмоқ надир.
Шоиро, топсанг ёнишдан гар хабар,
Айлама ёнган оташдан сўнг ҳазар.



«АЗИЗИМ»ДАН ПАРЧА

Бизлар мудом дӯст ахтариб юргаймиз
Омонлигу сулҳдан¹ суҳбат қургаймиз.
Дӯстлик бирла башар топгайдир роҳат
Душманлик келтирар доим ғам-офат.
Нотинч жойда нурин сочмагай офтоб
Нотинч ерни тарк этгуси файз шу тоб.
Бахтли ҳаёт, юксак парвоз тинчликдан,
Қадр - қиммат ҳамда эъзоз тинчликдан.
Дӯстни синаб кўрган бўлсанг сафарда,
Хато бўлмас дил боғласанг агарда.
Азизим, бошга тож айлагин дӯстни,
Жигардек жонингга жойлагин дӯстни.

1. Сулҳ - тинчлик.



Носиржон Маъсумий

БАЙТЛАР

Азизим, мен томон бир бор нигоҳ қил,
Дилинг дардларидан мени огоҳ қил.

Ажиб ғунчадаҳондирсан азизам,
Нечоғлик хушзабондирсан азизам.

Лабларингдан бир бўса бер эй, сулув,
Ичган билан камаймас дарё суви.

Садаф ичра гавҳардек меҳринг дилда тутган макон,
Боиси ушбудир: дилим сенсиз яшай олмас бир он.

Илк бор онам сути билан сенинг меҳринг туйган эдим,
Гулзорга ўрганган гулбондек меҳрингга муштоқман,
Ватан!

Офтоб оламни ёритган чоғидек,
Билим одам учун олам чироғидир!

Дўстлар хонадонингиз доимо обод бўлсин,
Хонадон аҳлингиз ҳам некному шод бўлсин.



Мастон Шерали

ВАТАН

Тоҷикистон, қайга бормай қўлимдаги кўзгу ўзинг,
Қайга бормай сенинг аксинг кўз ўнгимдан нари жилмас.
Ой биттадир, вале, сенинг моҳинг¹ гўзал эрур менга,
Қуёш битта, вале, сенинг қуёшингга тенг келолмас.

Эй, Ватаним, бир лаҳза ҳам ёдинг мени тарк айламас,
Сенинг ёдинг унутганлар меҳринг билмас ўлик тандир.
Ғарибликда ёдинг билан яшаганлар беватанмас,
Қучоғингда юриб, қадринг билмаганлар, беватандир.

1. *Моҳ* - ой.

Лойиқ Шерали
(1941-2000)

Сен бўлмасанг хаёлимда
Ғазал айтмагай дарёлар.
Тириклик ҳам бўлур кўрксиз.
Шоирсиз қолгай дунёлар.
Сен бўлмасанг хаёлимда
Муҳаббат ҳам қолар ёлғиз.
Кўзларингнинг оловидан
Сўниб хор бўлгай у, афсус.
Сен бўлмасанг хаёлимда
Шеърларим ҳам бўлур барбод.
Менинг озурда бу жоним
Танҳоликдан чекар фарёд.



ЗАРАФШОНЛИК ДИЛДОРГА

Кўзларингнинг қаърида
Куйдургувчи олов бор.
Суғдлардан мерос қадим
Олов каби бетакрор.
Куйдирдинг мени зоз-зор,
Эй зарафшонлик дилдор.
Кўзларинг оловидан
Ёноқларинг гулгундир.
Хижронингда ўртаниб
Жигару бағрим хундир.
Дардим билурмисан ёр,
Эй зарафшонлик дилдор.
Ишқинг довулларида
Сарсон бўлиб юргайман.
Бир кун хоки пойингга
Бошим қўйиб ўлгайман.
Эй, зарафшонлик дилдор,
Эй, зарафшонлик дилдор.



МУҲАББАТ

Билганингдек ўзинг мени, ўшалдирман, ўшалдирман,
Ошиғи беқарор ўзим, гўзалдирман, гўзалдирман.
Ҳамон хумордир кўзларим, ҳамон анордир юзларим,
Бамисоли Самандар куш, гоҳ учқун, гоҳ оловдирман.

На шамшири фиску фасод, на-да занжири бул қисмат,
Тўсолмайди йўлларимни, менинг йўлим сен, муҳаббат!
Эй муҳаббат, эй муҳаббат, азоблайсан мени фақат,
Дил уйимда қайғуларим китоб янглиғ бўлди қат-қат.

Эй муҳаббат, эй муҳаббат, бу оламда йўқдир мендек
Бирор ошиқ, бирор гадо!
Эй муҳаббат, эй муҳаббат, бу оламда йўқдир сендек
Бирор паноҳ, бирор Худо!

МЕЗОН

Кўча хандон, уй зиндонлик нечун ёр?
Болаларга бўлсангизчи меҳрибон.
Жоҳиллару номардлар дунёсида
Аёлингиз-гулингиз истар посбон.

Ажал мудом тирикликдан қарздордир,
Тирикликда етишинг мангуликка.
Олов янглиғ дилингизни ёндилинг,
Ташнадиллар эришсин ёруғликка.



Ҳақ ҳукмини бизларга ўргатингиз.
Тоқим гуноҳ йўлга кетмайлик кириб.
Муҳаббатнинг кўзи бир-ла боқингиз,
Мен зерикдим ишқу ҳавассиз юриб.

Кўзингизла боқиб жумла жаҳонга
Мусаффолик, гўзалликни тилайин.
Ўлчаб сизнинг амал мезонингиз-ла
Олам яхши ёмонлигин билайин.

ЁДГОРЛИК

Кетганлардан бир сен қолдинг
Қолганлардан бир мурғи Ҳақ.
Ёдлар аро ҳазин ғуруб,
Шодлар аро хусни шафақ!

ДАЪВАТ

Кўзларим ишқинг-ла тўладир
Турфа ранг чечаклар унда бор.
Тонг чоғи кўзларим боғига
Лолалар тергали келгин ёр!

ҲАЁТ

Ҳаёт, бу – шеър эрур – шоир эмасмиз.
Ҳаёт, бу – меҳрдир – моҳир эмасмиз.
Ҳаёт, бу – парвози орзу қушининг
Ҳайф бизга, ҳайф бизга тоир эмасмиз!





КЕТДИ МУҲАББАТ

Муҳаббатсиз қандай яшамоқ мумкин,
Бутунлай унутиб, унутилмасдан.
Қандай яшаш мумкин лабда табассум,
Ишқдан кечиб, ортга қайтмасдан?
Фақатгина севги, фақат у кодир
Бизга тўғри йўлни кўрсатмоққликка.
Яшашга чорлар у, ўлимга чорлар,
Чорлагай қайтадан тирилмоқликка.
Ботқоқ ичра қолган балиқлар янглиғ
Тоғлар дарёсини қўмсаб соғиниб,
Маҳкуммиз севмаган ёрла яшашга,
Ўзни алдаб, дилдан куйиб, овуниб.
Биллур ишқнинг пўлат дарвозасини
Тақиллатиб ноумид, ночор,
Қандай ўз-ўзингдан қочмоқлик мумкин,
Ўзлигингни унутмай такрор.
Ўз айбингла тушган дўзахда
Жаннатдан ёр келишин кутиб,
Ишқ дарахтин кесиб ташлашга
Куч топмасдан фиғонинг чиқиб,
Адо бўлиб ишқнинг ўтида
Қандай ўлмаё қолишлик мумкин?
...Кетди севги, қолди дард, оғрик,
Севгисизлик дилни кемирар.
Энди ўзим яшайман танҳо
Ёлғизликнинг захрин симириб.

(рус тилидан таржима)



Гулназар

ТОЖИКИСТОН

Тожикистон-ла
Мен миллатдирман.
Ному насабли
Бошавкатдирман.
Тожикистонсиз
Бемакондирман.
Ойу қуёшсиз
Ломакондирман.
Булоқларисиз
Ташнажондирман.
Гӯзал тоғисиз
Нотавондирман.
Тожикистонсиз
Ҳеч кимим йӯқдир.
Олам тӯла ганж
Бир мирим йӯқдир.
Тожикистонсиз
Мендан асар йӯқ.
Тожикистонсиз
Мендан хабар йӯқ.
Тожикистон-ла
Мен одамдирман.
Танҳо деб айтманг,
Мен-оламдирман!



ШЕЪРИМ МЕНИНГ ИСЁН ЭРУР...

То муҳаббат Вахшонзамин аёлидек сарсон экан,
Шеърим менинг исён эрур.
Токим аёл бешигида ажал юзи хандон экан,
Шеърим менинг гирён эрур.

Рӯдакийнинг кӯзларидек гулзордаги гунчалар-да,
Бу туннинг зулмати янглиғ,
Токим афғон шамоллари офатгари бўстон экан,
Шеърим менинг тўфон эрур.

Юрт тупроғи обод, аммо, қардош элнинг
Бағрида юз фарёд экан,
То ҳамсоя соясининг жойи бизнинг майдон экан,
Шеърим менинг нолон эрур.

Токи гӯдак кўлларида қалам шавқи тушар экан,
Дилда ташвиш яшар экан,
Токи сўзнинг иморати омонату ларзон экан,
Шеърим менинг вайрон эрур.

Токи дили қон Амудек мен паришон,
Гоҳо бўлиб мен пушаймон,
Дил қаъримда фиғонларим пинҳон экан,
Шеърим менинг зиндон эрур.



Тоҷикистон – она - юртим, менга тоза иймон экан,
Жоним ичра бир жон экан,
Токи Хӯжанд, Хатлон, Раштон ўртасида сарсон экан,
Шеърим менинг урён эрур...

ТИЛ ҲАҚИДА

Дарий тили тожигимнинг нишонидир.
Икки жаҳон аро унинг жаҳонидир.
Санжар ила Чингизхондан кам бўлмаган
Тоҷикларнинг ҳам паноҳи ҳам шонидир!





Сайидали Маъмур

ШОДЛИК ТУҒИЛГАН ОН
Гулрухсорга

Сен дунёга қоронғу бир тунда келдинг,
Лабда ханда бирла қутлуғ кунда келдинг.
Яхч осмонин ёритганда юлдузчалар,
Заминига юлдуз сочиб, бунда келдинг.
Сен дунёга келдинг эзгу матлаб билан,
Ўзгача бир устод, ўзга мактаб билан.
Қотиллигу қонхўрликни истаб эмас,
Келдинг «кетсин зулмат» деган тилак билан.
Келдинг бирдан ёришди тун кундуз бўлиб,
Қишлоқ аҳли қарши олди фируз бўлиб¹.
Гарчи келган онинг фасли қиш бўлса ҳам,
Сен келдинг Гул, бизлар учун Наврўз бўлиб.
Хуш келибсан, хуш келибсан эй меҳрибон,
Эй, шоири озодаи давру замон.
Сен туғилган кун «Зодрўзи дард» эмас, йўқ, йўқ,
Шодлик они бўлиб қолгай доим, ҳар он.

1. *Фируз бўлиб* - хушбахтлик билан.



Меҳмон Бахтӣ

ИФТИХОР

Эй ҳофизлар, куйлангиз тожиклар рӯзғоридан,
Даврон ободлигию тожик эътиборидан.
Меҳнатимиз ганжини, ҳимматимиз файзини
Кӯриб лол қолсин олам, коримиз бароридан¹.
Бу комронлиғ давронлар, бу шод, хуррам замонлар,
Бир рамзи саодатдир тожиклар баҳоридан.
Ҳофиз² сӯзининг сеҳри, Восеъ³ ғайрати, меҳри
Пок ва мусаффо эрур тожик чашмасоридан.
Оламнинг боқий кӯшки, одамнинг вафо, ишқи
Бӯлсин доимо баланд тожиклар кӯҳсоридан.
Қулоғингга чалинса фахру ифтихор куйи,
Билгинки дӯст, бу оҳанг элнинг ифтихоридан.

-
1. Ишимиз ривожидан.
 2. Ҳофиз Шерозӣ.
 3. Миллий қаҳрамон.



МАВЖИГУЛ

Сенинг битта кулгинга
Дилу жоним боғладим.
Ишқу паймонинг истаб
Юрак- бағрим доғладим.
Мавжигул, Мавжигул!
Илҳомим булоғисан.
Мавжигул, Мавжигул!
Юзлари қаймоғимсан.
Келгин мени суйдиргин,
Келгин мени куйдиргин.
Севгимиз афсонасин
Бор дунёга билдиргин.
Мавжигул, Мавжигул!
Илҳомим булоғисан.
Мавжигул, Мавжигул!
Юзлари қаймоғимсан.



Камол Насрулло

МИЛЛАТ ҒАЗАЛИ

Қаттиқ бошнинг садоси борму ё йўқ?
Бу заминнинг худоси борму ё йўқ?
Дунёда не ки мавжуд бор поёни,
Ғамингнинг интиҳоси борму ё йўқ?
Ҳамма Беку Амиру Шоҳу Султон
Бу юртнинг гадоси борму ё йўқ?
Бенаволиғ жон-жонимиздан ўтди,
Дуторингнинг навоси борму ё йўқ?
Отилди сен томон дунё тошлари,
Бирор тошнинг садоси борму ё йўқ?
Улуғларнинг даъвосин қилган элнинг
Вале бирор пешвоси борму ё йўқ?
Барча дарднинг давоси бор ва лекин
Маҳалбозлик давоси борму ё йўқ?
Ҳар ким ўзин «тождор» атар, бир бош йўқ,
Ғурурнинг муттакоси борму ё йўқ?
Қайга кетди юртим файзу эҳсонинг,
Пирларингнинг дуоси борму ё йўқ?



КЕЧИР АЛЛОХ

Кўлимда май тутиб гоҳо, кечир Аллох, кечир Аллох,
Айладим шўришу ғавғо, кечир Аллох, кечир Аллох.
Гоҳо аччик, гоҳида шўр, гоҳо мастман, гоҳо махмур,
Юрдим мен бесару бепо, кечир Аллох, кечир Аллох.

Гоҳо устун келиб кўнгил, гоҳо англаб, гоҳо ғофил,
Бўлдим ошиқ, бўлдим шайдо, кечир Аллох, кечир Аллох.
Муҳаббат гар гуноҳ бўлса, гуноҳим ҳар нигоҳ бўлса,
Эрурман лоиқи жазо, кечир Аллох, кечир Аллох.

Гоҳо виждон азобидан ёр сочидек тўлғонурман,
Топмай бир йўл, топмайин жой, кечир Аллох,
кечир Аллох.

Қайдам қадам кўйдим бежо, неча жонга бериб озор,
Менман асли бир нобино¹, кечир Аллох, кечир Аллох.

Имоним-ла қолсам ёлғиз, сўз айтмоққа тилим ожиз.
Менман шармандаю расво, кечир Аллох, кечир Аллох.,
Гоҳ ўзимга зиён айлаб, айбларимни ниҳон айлаб
Нобуд қилдим дилимни, оҳ, кечир Аллох, кечир Аллох.

Агар бир бор ҳолим сўрсанг, сўнгги сўзга изн берсанг,
Жавобим шул эрур танҳо: кечир Аллох, кечир Аллох.

1. *Нобино* - кўзи ожиз.



Раҳмат Назрий

ОНА, МЕНИ КЕЧИРГИН!

Беҳабарман ҳолингдан
Она, мени кечиргин.
Ёрдамчинг йўқ ёнингда
Она, мени кечиргин.
Орзу ҳавас ортидан
Кетдим сендан олислаб,
Кексалик айёмингда
Она, мени кечиргин!
Осмондаги ой каби
Кўзингга уйқу келмас.
Тунлар ёлғиз онингда
Она, мени кечиргин!
Барчамиздан сен жудо,
Ёлғиз ёрингдир Худо.
Бошим фидо пойингга
Она, мени кечиргин!
Хаёлимда ҳар куни
Қошингга мен борарман.
Шукр дейман борингга
Она, мени кечиргин!



ВАТАН ИШҚИ

Эй, жон ичра жоним, жоним фидойингдир,
Эй, ишқ, Ватанжоним, жоним фидойингдир.
Эй, жону жаҳоним, ёндиргин бу қоним,
Меҳрли осмоним, жоним фидойингдир.
Қондаги тўфоним, эй мавжли тугёним,
Эй, нурли маконим, жоним фидойингдир!
Эй, қалбим оташи, ёндир obu гилим,
Куйдиргин забоним, жоним фидойингдир.
Бориму йўғимсан, эй ишқим, Ватаним,
Ёндир хонумоним, жоним фидойингдир.
Майлига хок айла, сўнг майли пок айла,
Гўрсиз бу кафаним, жоним фидойингдир.

ДИЙДОР СОҒИНЧИ

Бу кеча сен учун
Яшамоқ истайман,
Майли осмонлардан
ёмғир ўрнига
Ёгсин армонлар!

Кўкдаги ҳилолдан
сенинг ҳаққингга
Дуо сўрайман,
Майли сиримизни
Билсин осмонлар!



БҮРИНИСО БЕРДИЕВА¹ МАРСИЯСИ

Мозорига гул экиб, эй азизлар йиғлангиз,
Фалак сари кўз тикиб, эй азизлар йиғлангиз.

Ўтли нигоҳларидан ой нурлари тўлишса,
Кўзгусига шам ёқиб, эй азизлар йиғлангиз.

Одамларнинг ғамидан озурда дил эди у,
Мингпора дилга боқиб, эй азизлар йиғлангиз.

Тош ёғса ҳам осмондан, эгилмас эди боши,
Тасбеҳу дуо ўқиб, эй азизлар йиғлангиз.

Тўдалар орасида озод бўзларди, энди
Жимликка кетди ўтиб, эй азизлар йиғлангиз.

Бир замонлар маърифат боғин обод этди деб,
Дардлашиб, кўз ёш тўкиб, эй азизлар йиғлангиз.

1. «Маориф ва маданият» журналининг собиқ муҳаррири, шодравон.



Мирзо Файзали

ВАҲДАТ НАВРҮЗИ

Офтоб таратмоқда зар, аршдан ҳимматдир бу,
Найсон таратар гуҳар, файз ила ҳимматдир бу.
Замин рангин тус олди, яшилликка бурканди,
Ҳар гӯша дилрабодир, ҳукми табиатдир бу.
Ўтди қиш ҳам зар сочиб, келди баҳор гул очиб
Лола-пиёлаи май, айёми ишратдир бу.
Етиб қадами Наврӯз, тенглашди кеча -кундуз,
«Қирқ кунда ёк» деган сӯз, халқдан ҳикматдир бу.
Гул таққан қизларжон хуш, гул каби очиб оғуш,
Бу манзара олар хуш, ваҳ, не офатдир бу!
Тўйдир, тўйи деҳқон, ҳар чеҳра шоду хандон,
Наврӯзи Тожикистон, Наврӯзи Ваҳдатдир бу!



Зулфия Атойи

ИШҚ ТУҲФАСИ

Пичирлама қулогимга жудоликдек хатоликни,
Билолмассан, билолмассан Атойидек адоликни.
Сен ишқимнинг худоси бўл, сен ишқимнинг атоси бўл,
Истамас дил сира энди саркашлик-бехудоликни.
Қўлларингни чўз белимга, дилинг боғлагин дилимга,
Изламагин зулфим аро ўзга ёрга гадоликни.
Ғафлат босиб юрдик сарсон, гул умримиз топди хазон,
Дилинг бирла англа дилдор, овозин бесадоликни.
Юраклар тош, еру осмон муз қотган бу даврон ичра,
Фикринг музин эрит, ташла энди кибру ҳаволикни.
Юрагимдан қувват олиб, нур бағишла вужудимга,
Кўрай десанг шу дунёда рўшнооликни, рўшнооликни.
Аввалим охириим ўзинг, ҳам субҳим ҳам шомим ўзинг,
Ўзимни бахш этиб сенга топдим ҳаққа ошноликни.



ДАСТЁР

Товоқларни ювгандим
Бир товоқ кетди учиб.
Гулларга сув қуйгандим
Гулдон ҳам синди тушиб.
Мошонга хашак бердим,
Товуқларга бердим дон.
Анча ёрдамим тегди,
Не иш қолди онажон?

ШОИР МЕЪРОЖИ

Лоиқ асло кимсалар мақтовига муҳтож эмас,
Ҳеч қайси шоир журъати Лоиқи меърож эмас.
Шеърият оламида Лоиқ соҳибтож эди,
То бу дам ҳам шеъриятда ҳеч ким соҳибтож эмас.





ҲОФИЗДАН ГИНА

Айтгин Ҳофиз, айтгин нега ҳады қилдинг
Самарқанду Бухорони битта холга?¹
Ёки дунё келажагин билганмидинг,
Бизлар учун шеъринг ўхшаб турар фолга.
Шояд шўхлик қилгандирсан ёзган чоғинг,
Шоҳбайтингни ошиқликдан жўшиб қонинг?
Ошкор айла Ҳофиз бизга муаммони,
Ё фаришта «омин» деган айтган онинг?
Афсус бугун авлодларинг бир ҳолимга
Самарқандни бермас - шундан бағрим яро.
Афсус сенинг ҳимматингга турк фарзанди
Бухорони гардини ҳам кўрмас раво.

АВФ АЙЛА ИШТИБОҲИМИЗ

Эй Ватан, эй Тожикистон, авф айлагин гуноҳимиз.
Хато йўлга боққан бўлсак, авф айлагин нигоҳимиз.
Бағринг бўлди тилка-пора тиру тўплар тўфонидан
Қуролимиз кечир бизнинг, авф айлагин сипоҳимиз.
Гар тожу тахт бўлган бўлса жангу жадалларга сабаб,
Таҳтимизни маъзур тутгин, авф қил эгри кулоҳимиз.
Жанглар қилиб, жанглар кўриб, оқибатда ярашдик биз,
Тинчлигимиз ҳурматдан авф айла иштибоҳимиз.

1. Ҳофизнинг машҳур байтига ишора.



Низом Қосим

Ватаним!
Тўрт томонинг ҳам мен учун қибла.
Ўзинг айт,
Қайси томонингга сажда қилай?!

ГАДО

...Тонгги нони офтобдир,
Шомги нони моҳтобдир.
Нон қиссаси эса юзга китоб бўлажак.

ТИРИКЛИК

Юзлаб луғат китобини варақлаб
Унинг асл маънисин англолмадим.
Ё раб, недур тириклик –
Роҳми?
Ё йўлма - йўл ҳасрату оҳми?



Шеър айтаман, -
Ишққа сигиниб.

Шеърим – ишқдир,
Ишқим – шеър.
Тонгим – шеърдир,
Шомим – ишқ.



Меҳрим – ишқ,
Моҳим –ишқ,
Тириклигим – Шеъру Ишқ.

Яхши биламан:
Ишқим Ишқ ёдида қолажак!
Аммо Шеърим – Шеър ёдида қоладими?
Буни Худо билади...

ТҶҮРТЛИК

Мен ҳар оч кимсадан бир нон қарздорман,
Ҳар битта қушчадан бир дон қарздорман.
Барчадан озми кўп қарзим бор, аммо,
Гулим, билсанг сендан бир жон қарздорман!



Бир умр
Сендан аввал
Қаламинг юрарди.
Энди эса вақт ўтиб
Танҳо асонг
Қаламинг каби
Сендан аввал равона бўлар.





ЖАНГАЛДА

Тириклик гўзал жангал эди,
Биз ундан тез ўтиб кетдик.
Ўтиб кетдигу сўнгра пушаймон бўлдик:
Кошки, дарахтлар сингари
Умрбод илдиз отсайдик.

ЯКУНИЙ ҚИССА

Мен бошидан тушуниб олдим:
Содда экан якуний қисса –
Етолмасман шомдан то саҳар,
Ё саҳардан шомга етмасман.





Султонмурод Одина

Гарчи бизлар бир замину бир кутби даврондирмиз,
Дўстлар ушбу жаҳонда тўрт кунлик меҳмондирмиз.
Мағрурлигу дабдаба, кибру ҳавомиз билан
Меҳмонлигимиз қадрин билмаган инсондирмиз.
Тириклик талошида юз фитна барпо айлаб,
Ёлғону найранглардан биз яна хайрондирмиз.
Тирикларга ўлмоқлик азалдан бир меросдир,
Лек ўзни талошларда ўлдиргувчи жондирмиз.
Ўзни олам меҳвари атаб гурурланурмиз,
Аммо бир заррагина биз қисми кайҳондирмиз.
Жонон, қадримиз билиб азиз тутайлик ўзни,
Гар бенаво гадомиз ё шоҳу Султондирмиз.



Тушларимда кўрдим сани, жонон, келгин бедор оним,
То мақтанай, бу дунёда бордир дея менинг ёрим.
Кўргин булбул рашкида гул қадаҳ каби очилмишдир,
Ё Худоё, кошки сен ҳам бўлсанг гулдек вафодорим.
Остонангга бош қўйиб, сендан йироқ кетмасман,
Гарчи мени хайдасанг ҳам, гарчи берсанг ҳам озорим.
Не кулфатлар кўрди бошим, эй ёр сенинг ишқингни деб,
Тушмасин кимса бошига, ё Раб, менинг бу аҳволим.
Сенинг ишқинг йўлида чеккан ранжу зорим ҳаққи,
Ғам жаҳонин Султониға айлагин лутф, эй, дилдорим.



Ҳидоятulloҳ Раҳмоний

КЕЛ ЭЙ ЖОНИМ

Кел эй, жону дил, бўлгин жононим,
Кел эй, бўйи гул, бўлгин пинҳоним.
Келиб илҳом бергин ўзинг дилимга
Келиб бўлгин байти шаккарафшоним.
Олмосининг олмалари мисоли
Келиб яшнат менинг боғу бўстоним.
Барча таъна қилар беқарорсан деб,
Келиб бўлгин ўзинг аҳду паймоним.
Ҳар дам сени кўрсам кўнглим ёришгай,
Тунда ойдек келиб бўл моҳистоним.
Раҳмонийнинг жони фидодир сенга
Кел эй, жоним, обод айла жаҳоним.

ЎЗИМДАН ХАТО ТОПДИМ

Эй Дўст, фармон айлагил, ўзимдан хато топдим,
Тириклик сўкмоғида мен мушкулкушо топдим.
Вафо не унутгандим ғафлатда юриб ғофил,
Сухбатингни топдим ҳам ишқу вафо топдим.
Тўғри йўл деб ўйлабон кириб нафсинг йўлига,
Ҳамроҳим бўлгач ўзинг, мен ҳам раҳнамо топдим.
Хонамдан ҳам тор эди фикру андешам менинг,
Андеша оламингдан мен ақлу расо топдим.



Шўр тўла ёш оқарди кўзларим булоғидан,
Кўзларингнинг нуридан мен нури шифо топдим.
Умр ҳар нафас бизни ўз ўтида қовурди,
Сен-ла бўлиб ҳамнафас, ўзимга баҳо топдим.
Волийо, Раҳмонийга айтгил дўстдан бир хабар,
Зеро, айтганларингдан мен роҳи Худо топдим.

БЕДОРМАН, ЭЙ ДЎСТ

Тунлар ёдинг ила бедорман, эй дўст,
Ёдингсиз дунёда мен хорман, эй дўст.
Жон жонимга сингиб кетгансан ўзинг,
Ҳар лаҳза сен бирла мен борман, эй дўст.
Хаёлимда кечар неча андешам,
Ишқингда ҳамеша иқрорман, эй дўст.
Қўлинг ўпиб, тавоф айлайман десам
Вале ожиз ҳамда ночорман, эй дўст.
Ўзингдан ўзгага хор этма ҳаргиз,
Ишқингда туну кун мен зорман, эй дўст.
Гарчи жаннат бизга ошно эмасдир,
Зикрингда ҳамиша такрорман, эй дўст.
Раҳмонийдек панд эшитгач Волийдан,
Танҳо сенинг ўзингга ёрман, эй дўст.



ВОЛИЙ

Ул дўсти меҳрибонга, биздан салом бўлсин,
Ул хуршеди осмонга, биздан салом бўлсин.
Бир зарра хок бўлсайдик, кошки пок бўлсайдик,
Поки икки жаҳонга, биздан салом бўлсин.
Йўлин йўқотганлармиз, гуноҳга ботганлармиз,
Мадад бергувчи жонга, биздан салом бўлсин.
Бизлар аҳли кибрмиз, дард қошида ожизмиз,
Кечиргувчи Раҳмонга, биздан салом бўлсин.
Гул каби очилмасдан, келди хазон фаслимиз,
Ул қўли гул боғбонга, биздан салом бўлсин.
Хўл-қуруғимиз кетди, не қилган бўлсак ўтди,
Ўшал мушфиқ Яздонга, биздан салом бўлсин.
Волий, биз Дўст ёдида қаноти синган қушмиз,
Бизни яратган жонга, биздан салом бўлсин.



Ҳикматулло Қудратов

ШУКРОНА

Мудом бир парча нонга шукрона қиладурман,
Тупроғи зар маконга шукрона қиладурман.
Жаҳон томин куббаси эрур бизнинг томимиз,
Чин юракдан Яздонга шукрона қиладурман.
Раштимнинг мевалари болдан ҳам ширин эрур,
Ноку себи Хубонга¹ шукрона қиладурман.
Тоҷик шеъри қанотин ёзган эди Рӯдакдан,²
Зарнисор Зарафшонга шукрона қиладурман.
Ҳисори Шодмон мадҳин куйлайди Ҳикмат Қудрат,
Насли Олий Сомонга шукрона қиладурман.

1. *Себи Хубон* - олма нави.

2. *Рӯдак қишлоғи* - Абу Абдуллох Рудакий туғилган қишлоқ.



Муҳаммадали Ажамий

ҚАЙТИШ

Келаяпман
Асотирлар жангалидан
Яшил ва баҳайбат бир дарахт мисол.
Япроқларим ғариб қушлар қўшиғин куйлар.
Ҳақ зикрини илдизларимла
Сингдираман тупроқ бағрига.
Илтимос, болталарни улоқтирингда-
Ишқ дарсига марҳамат қилинг!

АЁЛ

Сурат...
Аёл қиёфасида
Ҳусннинг ниҳояси йўқ...
Магар, унинг қўллари...
То меҳрибон экан бу қўллар
Аёл мангу ёшдир!



ЯПРОҚҚА ТАЪЗИЯ

Сўзларим миқдори шунчалик-
Бир дарахт ўлими учун
Япроққа таъзия ёзаман...

САРГАРДОН

Кеча
Кўзларингнинг тубида
Не бўлса меники эди.
Бугун,
Қўлларингнинг шаҳрида
Саргардонман!



Раъно Мубориз

ХУДО ҲОФИЗ

Кетар бўлдим бундан эй жон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Гўзал юзлар бўлсин омон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз.
Бу бедардлар тузган даврон, бу меҳри йўқ гўр оломон,
Яшайверсин бўлиб сарсон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Неки хуш дамларим бўлди, туғилди бари ғамлардан,
Барчасига келди поён, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз.
Оғирдир менга тарк этмоқ, одамлардан йироқ кетмоқ,
Ёлғизлик бу эрур ҳижрон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Бир кушчадек қилсам парвоз, гарчи дилда умидим оз,
Бағринг очгил менга осмон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Сени кўзим қароғида ва ё дилим ардоғида,
Асрагайман азиз инсон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Ошиқликда умр кўрсам ва ё дарвеш бўлиб юрсам,
Мени ўртайди бир армон, Худо Ҳофиз, Худо Ҳофиз,
Ҳақ хоҳласа келиб Наврўз, балки яна учрашармиз,
Не тонг, келса ўшал даврон, Худо ҳофиз, Худо ҳофиз.



МЕН КЕЛАДИРМАН

Ҳарфни тайёр қилинг, мен келадирман,
Шавқни бедор қилинг, мен келадирман.
Хоҳ маст бўлсин, хоҳ паст бўлсин майлига бефарқ,
Жумлани хушёр қилинг, мен келадирман.
Таблак чалиб жар солинг жумла жаҳонга,
Уйингиз бозор қилинг, мен келадирман.
Бас етадир, қошу қабоқ қилиб юриш, бас,
Чехрани гулнор қилинг, мен келадирман.
Сурайёдан тушиб келмоқдаман мен,
Тарки ул хуштор қилинг, мен келадирман.
Бас, баландлик, қўним топай дейман заминда,
Ерни ҳамвор қилинг, мен келадирман.
Андаккина меҳр мени қондира олмас,
Меҳрингиз бисёр қилинг, мен келадирман.
Қошингизга келдим баланд тоғлардан ошиб,
Қабулни такрор қилинг, мен келадирман!



Нуқра Суннатниё

ЁР ДЕДИНГ

Ёр дединг, ёр қани?
Барчадин бедор қани?
Нозил бўлган «Мен» қани
Кўрсатгил такрор қани?
Зоримиз эшитмаса
Иккимизнинг зор қани?
Асли барчага аён
Пардали ул ёр қани?
Кўп кездим хазон ичра
Булбули гулзор қани?
Ғунча каби очилган
Рози дили хор қани?
Девор устида унган
Лоладек гулёр қани?
Вужудим ичра пинҳон
Ойинаи ёр қани?
Чехрам гулдек гўзалдир,
Ошиғи рухсор қани?
Ёр дейсан, ёр қани?
Зорим ўзинг, зор қани?



ОНА, ОНАЖОНИМ

1

Онажон, онажоним менинг дили зоримсан,
Бу жаҳон ичра топган ягона ғамхоримсан.
Доим авлиёлардан мен мадад истар эдим
Англадим, ки сен ўзинг танҳо мададгоримсан.

2

Эй меҳрибон онажоним, бўлгин доим саломат,
Йироқ бўлсин дилингдан алам, ранжу надомат.
Йўлингга кўз тутишлик жонимга нур бағишлар,
Келиб уйим тўрида бўлгин чароғи давлат.

3

Эй менинг насихатчим, меҳрибон онажоним,
Сен ягона йўлбошчим азалдан то шу оним.
Ҳар тонг худо боғидан дуоларинг туфайли,
Бошимга гул ёғилар, сен - тахти Сулаймоним.

4

Онасини ёд этар, жамики халқи жаҳон,
Онасини ёд этар, ҳар пайғамбару Султон.
«Онасизлик - балодир» деган калима ҳақдир,
Мен балодин йироқман, онажоним, бўл омон.



СЕН ТУРГАН ГҮША

Ишқимнинг навбахори мисли чаман гуллагай
Дилимда настарину ҳам ёсуман гуллагай.
Шафақдек ял- ял ёнар ишқ ўти нигоҳимда
Ишқимнинг лолари бағрида қон гуллагай.

Димоғимдир муаттар тоғ гуллари атридан,
Меҳр тўла дилимда ишқи Ватан гуллагай.
Гулсевар шоираман дил боғимдан гул терсам
Бас дегунча дилимда боғи сухан гуллагай.

Сен турган ва мен турган гўша
Сен турган гўшада жумла ёрондир,
Бахтинг-да очилган гулдек хандондир.
Мен турган гўшада эса ёлғизлик,
Боғимда топганим йиғи, фиғондир.

Сен турган гўшада гулоб ичарлар,
Шаънингни улуғлаб шароб ичарлар.
Мен турган гўшада хоким хароблик,
Дилимнинг қонини чун об, ичарлар.

Сен турган гўшада тинчлик, ҳаловат,
Руҳинг дилинг бирла айлар мулоғат.
Мен турган гўшада ақлиму дилим
Мурса этолмай ўртагай фақат.

Сен турган гўшада базм, дилбарим,
Руҳинг баланд, солсам разм, дилбарим.
Мен турган гўшада юзларим сарик,
Ҳасрат ёшларимдан хўлдир дафтарим.



Хайрандеш

ТОЖИКОНА

Файзли ҳамда бой эрур тожикнинг дастурхони,
Ширин ҳамда мазали есанг ҳар бурда нони.
Кел, дӯстим кадрлашни ўрганайлик бизлар ҳам,
Замини обод юртнинг мусаффордир осмони.
Қайда бор бундай офтоб, бундай тупроқ, сув, ҳаво,
«Маснавию Маънавий» тожик руҳи равони.
Ҳар кимга насиб этмас «Шоҳнома»ни битишлик,
Бунинг учун керакдир Фирдавсийнинг иймони.
Тақдир экан наилож, афсус, жаҳонни тутди,
Тожикларнинг оҳи-ю, алар доду фиғони.
Эмомали Раҳмон ҳам Сомоний ворисидир,
Унинг бир-ла ушалди тожикларнинг армони.
Эй, Хайрандеш, нега сен ғазал битдинг десалар,
Айтгум: роҳат бағишлар тожигимнинг забони.



ДУНЁ ТОЖИКЛАРИ

Шукр Олий Сомонга, эй, дунё тожиклари,
Келинг Тожикистонга, эй, дунё тожиклари.
Балхдан Бухорагача бизларни бирлаштирган,
Раҳмат Олий Раҳмонга эй, дунё тожиклари.
Ғарбу Шарқдан келинг деб Ватандан хабар етди,
Парижу Вашингтонга, эй, дунё тожиклари.
Орийликнинг файзидан, ошноликнинг фазлидан,
Мушкул кўчсин осонга, эй, дунё тожиклари.
Форум ҳам бўлди форум, диллар бўлди шод, хуррам,
Бошлар етди осмонга, эй, дунё тожиклари.
Тожик тожини қўйса, кимнинг ҳам қўли етгай,
Хуршед қадар осмонга, эй, дунё тожиклари.



Усмон Сабзов

ҲИСОРИМ

Жону дилим нисоринг, Ҳисорим-зарнисорим,
Турсунзода шеърлари фаҳрим ва ифтихорим.
Дехқону хунармандингмеҳнатдан шуҳрат топди,
Уларнингмеҳнатида обод эрур рузгорим.
Сенинг кўркам чиройингменга илҳом бахш этгай,
Муҳаббат маъвосисан мангу баҳор диёрим.
Сенингхуснингга ҳусн кўшгай вафоли халқим,
Файзингдан сарфарозман Ҳисорим-файзборим.
Эл ҳам мудом хушнуддир лутфу эҳсонинг билан,
Ватанда шуҳрат топдинг номдорим–Ҳисорим!



Саидмурод Расулий

ВАТАН ТАРОНАСИ

Умиду ифтихоримиз
Шукуҳу эътиборимиз.
Қуввату иқтидоримиз
Ватан ўзинг, ватан ўзинг!

Ўхшаши йўқ ажиб диёр,
Жондан азиз дилхуш, дилдор.
Шодлигим боиси такрор
Ватан ўзинг, ватан ўзинг!

Тинчлик диёри – хур макон,
Дардимизга ўзинг дармон.
Қалбимдасан ҳар лаҳза, он
Ватан ўзинг, ватан ўзинг!



Аҳлиддин Ҳисорий

ЭНГ ГҮЗАЛ СҮЗ

Садаф танамдан жон гавҳаримгача
Фикру хаёлимда яшайди Ватан.
Дедилар, сўйлагил: «Ватан»дан ўзга
Тилимга келмади гўзалроқ сухан.

ОНА ҚАЛБИ

Она қалби бамисоли офтоб эрур,
Лим-лим тўла эзгуликдан савоб эрур.
Дунёда не бордир ундан улуг,
Ҳар бир ҳарфи юзлаб дoston, китоб эрур.

ОНА ТИЛИ

Болалик чоғимда шўх эдим жуда
Бир сўзни эшитгач тортдимку зийрак.
Бир ғариб айтарди: « Дунёда бахт йўк,
Ўз она тилингдан сўзлашдан бўлак».



ИЛМ ВОЖИБ ЭРУР

Илм вожиб бўлди аҳли замонга,
Ёшму у ё қари, ҳар битта жонга.
Олимга шоирлик вожибмас, аммо,
Олимлик вожибдир ҳар бир шоирга.

ИЗЛАБ ЎТДИМ

Орзуларга тўла дилни нима қилай,
Мудом ярим бу кўнгилни нима қилай?
Тирикликнинг талотумли тўфонида
Излаб ўтдим танҳо Гулни, нима қилай?



Абдуқаҳҳори Қосим

ОНАЖОНИМ КЕЛ

Кулбаи вайронамга Онажоним кел, кел,
Озурда афсонамга Онажоним кел, кел.
Келсанг агар ёнимда қолгин сен меҳрибоним,
Тахт бўлгин бу хонамга Онажоним кел, кел.
Ёдинг ила кўксимда ғам нола қилар доим
Эшиксиз вайронамга Онажоним кел, кел.
Шодлик кунларимда ҳам кўзимдан ёш тўхтамас
Девонаман, ёнимга Онажоним кел, кел.
Гарчи ота бўлсам ҳам қошингда боладирман
Бу ҳоли ҳайронимга Онажоним кел, кел.
Томоғимга келди жон, ҳижронингда онажон
Бу тўлган паймонамга Онажоним кел, кел.
Беҳосил хирмонимга боқиб Қаҳҳор қондирман,
Бу донсиз хирмонимга Онажоним кел, кел.



ОНАЖОНИМ

Онажоним, бу кеча мен бир туш кўрсам,
Кўзларинг ҳам ёшли ўзинг бедор эдинг.
«Нечун йиғлаяпсиз она?»- дея сўрсам,
Дединг: «Ўғлим, кўрдим сени, бемор эдинг».
Онажоним, сенсан ёлғиз ғамгусорим,
Дунё ичра дунём ўзинг, вафодорим.
Сен кетдингу онажоним, қолдим, танҳо
Кўзларимга дунё бўлди тор, зим-зиё.
Кўзларимга тўтиёдир хоки пойинг,
Изларингдан мен қайтадан бўлай бино.
Онажоним, сенсан ёлғиз ғамгусорим,
Дунё ичра дунём ўзинг, вафодорим.
Бу жаҳонда она каби йўқ меҳрибон,
Ғамхўр йўқдир, мушфиқ йўқдир, йўқ азиз жон.
Онам изи гардига ҳам арзимади
Юзлаб халта зару тилло ҳеч дам, ҳеч он.
Онажоним, сенсан ёлғиз ғамгусорим,
Дунё ичра дунём ўзинг, вафодорим.



Садр Умар

Бободехқон дунёси - дунёдир шоирона
Бободехқон маъвоси - маъводир шоирона.
У бирла суҳбат қилмоқ, ҳолига назар қилмоқ
Шоирликка қайтмоқдир - эҳёдир шоирона.
Меҳнатин ҳосилидан эрур бозорлар арзон
Унинг туфайли дилкаш савдодир шоирона.
Билсанг унинг номидан улуғ ном йўқ дунёда
“Бободехқон” каломи володир шоирона.
Элу юрт ризқин ўйлаб андиша қилар мудом
Орзу нияти юксак – “боло”дир¹ шоирона.

1. *Боло* - баланд.



Эмомалӣ Мирзоев

ШОИР ВА РАССОМ

Бор эди шоир жуда сарватли
Қасру боғли, беҳисоб давлатли.
Тузди у ўз шеърларидан бўстон.
Бўлсин дея номим эл ичра дoston.
Нашр қилмоқ истади у бир китоб
Рассом топиб айлади унга хитоб:
«Нақшу ороиш бергин сен чунон,
Токим бўлай эл аро олинишон».
Гўзал эди китобнинг хар сурати,
Оламни тутди китоб шуҳрати.
Аммо «Рассом ким?» дея аҳли жаҳон
Шўришу ғавғо қилар эрди чунон.
Нақшлар эл кўнглини масрур айлади.
Ҳамда рассомни машҳур айлади.
Аммо шоир меҳнатидир бенишон,
Кимса сўрмас номини мутлоқ, ишон!
Кимки енгил обрў топмоқдир иши,
Унга ибрат эрур шоир қилмиши.

ДИЛ ВУЛҚОНИ

Дил оташи вулқондан кучли
Гарчи кўзга ташланмаса ҳам.
У портласа тутгай оламни
Ўчирмоққа юзта одам кам.



Муродали Собир

ТАМАЪ

Тамаъ деганлари шамшердир кескир
Пора-пора қилар одамни бутун.
Хушбахт бўлай десанг агарда дўстим,
Тамаъдан ҳазар қил, бўл ундан устун.

МОҲИ ТОБОН

Малак, юзинг эрур моҳи тобоним
Мудом йўлингдир чашмим равоним.
Минглаб гул навига димоғим тутиб
Сенинг атринг излаб ўтар ҳар оним.



Фархунда

ЭЙ ТУРНАЛАР

Эй турналар, ёрим томон сафар қилинг
Борган чоғда ёр ҳолига назар қилинг.
Неча баҳор ўтди ёрни кўрганим йўқ
Аҳволимдан сизлар унга хабар қилинг.

Тилагим шу ёрим доим омон бўлсин
Гулдек яшнаб очилсину шодон бўлсин.
Бу умидли дунё ичра ёлғиз жонман
Умидларим бир-ла умри равон бўлсин.

Эй турналар, ёрим сари парвоз этинг
Гулбоғимдан ул ёримга гуллар элтинг.
Айтинг ёрга ул ҳамиша ёдимдадир
Нурли офтоб янглиғ мудом ёнимдадир.



Сирожиддин Икромий

КЕЛ ЯНГИ ЙИЛ

Кел, янги йил, бизлар учун сафо бўлгин,
Ғамдан қаро кенгилларга зиё бўлгин.
Тарафкашлик дол айлади қоматимиз,
Келиб мажруҳ танзимизга шифо бўлгин.
«Қаерликсан?» деган савол дилни эзар,
Келиб дўстлик, иноқликдан садо бўлгин.
Меҳру шафқат, оқибатдан ном- нишон йўқ,
Муҳаббат бўл, садоқат бўл, вафо бўлгин.
Неча гумроҳ юз ўгирди ўз динидан,
Кел, янги йил, дуруди Мустафо бўлгин.
Улуғларга на ҳурмат бор, на эътибор,
Бефарқликдек хатога интиҳо бўлгин.
Ғурбатларда ризқ ахтариб бўлдик сарсон,
Барчамизга файзу эҳсон, сахо бўлгин.
Миллатимнинг кўпдир дилда дард, алами
Кел, янги йил, дардимизга даво бўлгин.



ТҶҮРТЛИКЛАР

Ёшлик ўтиб борар бирма-бир, кам-кам,
Мени чулғаб борар ҳасрат ҳамда ғам.
Кўнгил дардидану дунё ғамидан
Икки кўзим эрур доимо пурнам.



Мен мансаб ортидан юрмадим ҳаргиз,
Мансабпарастларга лоқайдман ҳамон.
Совук, қаттиқ ҳамда баланд бўлса ҳам
Тарма ҳам қуртлашдан топмагай омон.



Дарё соҳилида, чинор остида
Ёру нигоримсиз танҳоман, ёлғиз.
Ёлғизликда ҳаёт мазмуни йўқдир,
Қани май бўлсаю ҳамда жонон қиз.



Томчи сув суякка айланармиди
Ҳукмингсиз бўлсайди жумлаю жаҳон.
Ибодат қиламан жамоат билан
Қошингда топширай дея имтиҳон.



Варзоб шеърим сингари атои худо эрур,
Унинг ҳар қатра суви дардимга даво эрур.
Чиққин тоғлар бағрига, боққин чирой, сеҳрига
Ҳар мазорининг тоши моили дуо эрур.





МУНДАРИЖА

Ўлмас Жамол	
“Шингил сатрлар”дан “Дийдор соғинчи”гача	3
Муҳаммадюсуф Маюсий	
Маҳбубимсан, ё Аллоҳ!	5
Сўфий Ҳисорий	
Биз ҳама ёрдин ёмон эрдик ва лекин билмадик	7
Парий	
Нечун гулга дил берай, гуландомим бўлмаса	8
Шариф Ҳисорий	
Эй дил, ишқда куймасанг, куйлашингдан не фойда?	9
Ғамгин	
Бу кеча ғамга ботиб, куйдим интизорликдан	10
Мирзо Олимжон Ҳасрат	
Сенсиз гулни гулшанда хор билурмиз	11
Банда (Домулло Имомиддин)	
Кетгил зоҳид, икки олам ичра айш-ки бор мендан	12
Мирзо Турсунзода	
Шоиро, топсанг ёнишдан гар хабар	13
«Азизим»дан парча	14
Носиржон Маъсумий	
Байтлар	15
Мастон Шерали	
Ватан	16
Лойиқ Шерали	
Сен бўлмасанг хаёлимда	17



Зарафшонлик дилдорга	18
Гулрухсор	
Муҳаббат	19
Мезон	19
Ёдгорлик	20
Даъват	20
Ҳаёт	20
Кетди муҳаббат	21
Гулназар	
Тоҷикистон	22
Шеърим менинг исён эрур	23
Тил ҳақида	24
Сайидали Маъмур	
Шодлик туғилган он.....	25
Мехмон Бахтӣ	
Ифтихор.....	26
Мавжигул.....	27
Камол Насрулло	
Миллат ғазали.....	28
Кечир Аллоҳ.....	29
Раҳмат Назрий	
Она, мени кечиргин!	30
Ватан ишқи	31
Дийдор соғинчи	31
Бӯринисо Бердиева марсияси.....	33
Мирзо Файзали	
Ваҳдат Наврӯзи	34
Зулфия Атойи	
Ишқ тухфаси.....	35





Дастёр.....	36
Шоир меърожи.....	36
Ҳофиздан гина	37
Авф айла иштибоҳимиз.....	37
Низом Қосим	
Ватаним!.....	38
Гадо	38
Тириклик.....	38
Шеър айтаман	38
Тўртлик	39
Бир умр	39
Жангалда	40
Яқуний қисса	40
Султонмурод Одина	
Гарчи бизлар бир замину бир қутби даврондирмиз	41
Тушларимда кўрдим сани, жонон, келгин бедор оним.....	41
Ҳидоятуллох Раҳмоний	
Кел эй жоним	42
Ўзимдан хато топдим	42
Бедорман, эй дўст	43
Волий.....	44
Ҳикматулло Қудратов	
Шукрона	45
Муҳаммадали Ажамий	
Қайтиш.....	46
Аёл.....	46
Япроққа таъзия	47
Саргардон	47
Раъно Мубориз	
Худо Ҳофиз	48
Мен келадирман.....	49



Нуқра Суннатийё

Ёр дединг	50
Она, онажоним	51
Сен турган гўша	52

Хайрандеш

Тожиқона	53
Дунё тожиқлари	54

Усмон Сабзов

Ҳисорим	55
---------------	----

Саидмурод Расулий

Ватан таронаси	56
----------------------	----

Ахлиддин Ҳисорий

Энг гўзал сўз	57
Она қалби	57
Она тили	57
Илм вожиб эрур	58
Излаб ўтдим	58

Абдуқаҳҳори Қосим

Онажоним кел	59
Онажоним	60

Садри Умар

Бободехкон дунёси дунёдир шоирона	61
---	----

Эмомалӣ Мирзоев

Шоир ва рассом	62
Дил вулқони	62

Муродали Собир

Тамаъ	63
Мохи тобон	63





Фархунда	
Эй турналар.....	64
Сирожиддин Икромий	
Кел янги йил.....	65
Халим Сайёх	
Тўртликлар.....	66



Ҳасанбой Ғойиб

Дийдор соғинчи

Тоҷик шеърятидан намуналар

Босишга рухсат этилди 16.03.2017. Бичими 60x84^{1/16}. Офсет қоғози.
Офсет босмаси. Times New Roman Tj гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 4,5. Нашр адади 300 нусха.

ЧДММ «Промэкспо».
734025, Душанбе шаҳри, Айнӣ кучаси, 13 в.
Тел.: (+992) 227-63-73. E-mail: promexpo_tj@mail.ru.